


Имтиҳон маълумотларини бошқариш


Имтиҳонлар яратиш

Имтиҳон яратиш тизимнинг **О'quv jarayoni / Imtihonlar ro'yxati** менюси орқали амалга оширилади (1-расм).



1-расм. Имтиҳон яратиш

Имтиҳон яратиш учун **+Imtihon yaratish** тугмасини танланг. Натижада имтиҳон маълумотларини шакллантириш ойнаси пайдо бўлади (2-расм).



2-расм. Имтиҳон параметрларини яратиш

Имтиҳон маълумотларини қуйидагича шакллантиринг:

- **Nomi** майдонига имтиҳон номини киритинг;
- **Izoh** майдонига имтиҳон бўйича изоҳларни киритинг;
- **О'quv jarayoni** майдонидан ўқув режани танланг;
- **Fanlar** майдонидан фанни танланг;
- **Nazorat turi** майдонидан назорат турини танланг;
- **Faol** майдони 2 хил кўринишдаги қийматни кўрсатади. Биринчиси бу **Yo'q** иккинчиси эса **HA**. Ушбу майдондан бошланғич жараёнларда **Yo'q** танланади, сабаби имтиҳон параметрларига ўзгартиришлар киритишга ушбу статус рухсат беради. Имтиҳон параметрларининг барчаси шакллантирилгандан сўнг **HA** статусини танлаш керак;
- **Boshlanish** майдонидан имтиҳон бошланиш вақтини танланг;

- **Tugash** майдонидан имтиҳон тугаш вақтини танланг;
- **Vaqt (daqiq)** майдонига имтиҳонга жавоб бериш вақтини киритинг;
- **Maks. Ball** майдонига ҳар бир савол учун ажратилган бални киритинг;
- **Urinishlar** сони майдонига имтиҳонда неччи марта қатнашиш сонини киритинг;
- **Savollar soni** майдонига саволлар сонини киритинг;
- **Tasodifiy** майдонидан **Ha** ни танланг;

Барча параметрлар шакллантириб бўлингандан сўнг **Saqlash** тугмасини танлаш орқали имтиҳон параметрлари сақланади (2-расм).

The screenshot shows the 'O'rnatilgan tizimlar fanidan yakuniy nazorat ishi2' form. Key fields include:

- Nomi:** O'rnatilgan tizimlar fanidan yakuniy nazorat ishi2
- Nazorat turi:** Umumiy
- Faol:** Yo'q
- Izoh:** dssdasd
- Boshlanish:** 2021-10-11 21:00
- Tugash:** 2021-10-17 21:00
- Vaqt (daqiq):** 30
- Maks. ball:** 2
- O'quv jarayoni:** Telekom. tex. bakalavr 2020-2021 (kunduzgi)
- Urinishlar:** 2
- Savollar soni:** 20
- Tasodifiy:** Ha
- Fanlar:** O'rnatilgan tizimlar

2-расм. Имтиҳон параметрларини шакллантириш

Имтиҳон параметрларини ойнасидан **Savollar(0)** тугмасини танлаш орқали имтиҳон саволлари ойнасига ўтинг (3-расм).

The screenshot shows the 'Imtihon savollari' table with the following structure:

#	Nomi	Faol

3-расм. Имтиҳон саволларини шакллантириш


Саволларни шакллантириш учун **+Kiritish** тугмасини танланг (4-расм).

The screenshot shows the 'Kiritish' form with the following content:

- Ko'rish** button
- Question 1**
- Variant 1**
- Variant 2**
- #Variant 3 correct**
- Variant 4**


4-расм. Саволларни киритиш

Имтиҳон саволларини шакллантириш майдонига саволларни шаблонга мос равишда киритинг ва **Ko'rish** тугмасини танланг (5-расм).



5-расм. Саволларни киртиш ойнаси


Барча саволлар киритилгандан сўнг **Saqlash** тугмасини танлаш орқали тест саволларини сақланг (6-расм).



6-расм. Имтиҳон саволлар рўйхати

Имтиҳон саволларини таҳрирлаш

Имтиҳон саволларини таҳрирлаш учун 6-расмда келтирилган саволлар рўйхатидан саволни танлаш орқали таҳрирлаш ойнасига ўтинг (7-расм).




7-расм. Тестни таҳрирлаш

Тестни таҳрирлаш ойнасида тест саволларига қуйида келтирилган бир қатор ўзгартиришлар киритиш имконияти яратилган:

- Ёзувлар стилини ўзгартириш
- Индекслар киритиш
- Линк қўйиш
- Расмлар қўшиш
- Махсус символлардан фойдаланиш

Ушбу амалларни бажаришда 7-расмда келтирилган саволларни таҳрирлаш панелидан фойдаланиш орқали амалга оширилади.


Саволларга формула ёки белгиларни киритиш учун саволларни таҳрирлаш ойнасида жойлашган символлар панелидан фойдаланинг (8-расм).



8-расм. Символлар киритиш ойнаси

Символлар панели орқали савол ва жавобларни стилини ўзгатириш, саволларга расмлар ва линкларни ҳам қўшиш мумкин. Агар саволда формулалар бўлса, формулани расм кўриниш киритиш тавсия этилади.

Яратилган саволларни экспорт қилиш учун 6-расмда келтирилган ойнадан **Eksport** тугмасини танлаш керак (9-расм).



9-расм. Саволларни кўчириш

Саволларни кўчириш ойнасидан Ок тугмасини босилса саволлар блокнот файлига кўчирилади.

Талабаларни имтиҳонга бириктириш

Имтиҳон яратиш тизимнинг **О'quv jarayoni / Imtihonlar ro'yxati** менюси орқали амалга оширилади (1-расм).

Имтиҳонлар рўйхатидан имтиҳонни танлаш орқали имтиҳон параметрлари ойнасига ўтинг (10-расм)

HEMIS OTM

O'zbekcha

JAMSHID ELOV
O'quv bo'limi

Asosiy / Imtihonlar ro'yxati / C++ dasturlash

Savollar (11) + Guruh qo'shish Natija (1)

Nomi: C++ dasturlash

Nazorat turi: Yakuniy nazorat

Faol: Yo'q

Izoh: 10 savol har biriga 5 balдан

Boshlanish: 2021-10-22 17:20

Tugash: 2021-10-27 17:20

Vaqt (daqqa): 30

Maks. ball: 50

O'quv jarayoni: Suniy_intellekt_2021-2022

Urinishlar: 4

Savollar soni: 10

Tasodifiy: Ha

Fanlar: C/C++ dasturlash

O'chirish O'zgartirish

10-расм. Имтиҳон параметрлари ойнаси

Талабаларни имтиҳонга қатнашиши учун имтиҳон параметрлари ойнасидан **+Guruh qo'shish** тугмасини танлаш орқали гуруҳни танлаш ойнасига ўтинг (11-расм).

Guruh tanlash

Telekommunikatsiya texnologiyalari

Nom bo'yicha qidirish

<input type="checkbox"/>	Nomi °	Fakultet	Ta'lim turi	Ta'lim tili
<input type="checkbox"/>	test	Telekommunikatsiya texnologiyalari	Bakalavr	O'zbek tili
<input type="checkbox"/>	210-20 TTu	Telekommunikatsiya texnologiyalari	Bakalavr	O'zbek tili
<input type="checkbox"/>	211-20 TTu	Telekommunikatsiya texnologiyalari	Bakalavr	Rus tili
<input type="checkbox"/>	410-20	Telekommunikatsiya texnologiyalari	Bakalavr	O'zbek tili
<input type="checkbox"/>	411-20	Telekommunikatsiya texnologiyalari	Bakalavr	O'zbek tili
<input type="checkbox"/>	211-21	Telekommunikatsiya texnologiyalari	Bakalavr	O'zbek tili
<input type="checkbox"/>	217-21	Telekommunikatsiya texnologiyalari	Bakalavr	O'zbek tili
<input type="checkbox"/>	105-21	Telekommunikatsiya texnologiyalari	Bakalavr	O'zbek tili
<input type="checkbox"/>	510-20	Telekommunikatsiya texnologiyalari	Bakalavr	O'zbek tili
<input type="checkbox"/>	720-20	Telekommunikatsiya texnologiyalari	Bakalavr	O'zbek tili
<input type="checkbox"/>	810-20	Telekommunikatsiya texnologiyalari	Bakalavr	O'zbek tili
<input type="checkbox"/>	1001-17 ATDT	Telekommunikatsiya texnologiyalari	Bakalavr	O'zbek tili

Yopish Qo'shish

11-расм. Гуруҳни қўшиш ойнаси.

Гуруҳни қўшиш ойнасидан гуруҳларни танланг ва **Qo'shish** тугмасини танланг. Гуруҳ қўшилгандан сўнг тизим ойнасининг остки қисмида гуруҳлар рўйхати шаклланади (12-расм).

Imtihon guruhlari					
Guruh	Fakultet	Til	Boshlanish	Tugash	O'chirish
365-MB	Telekommunikatsiya texnologiyalari	O'zbek tili	Boshlash vaqti	Tugash vaqti	O'chirish
1-1 / jami 1 ta					

12-расм. Гуруҳлар рўйхатини

Гуруҳлар рўйхатида гуруҳлар кўпайиб имтиҳон вақти турлича бўлганда гуруҳларнинг имтиҳон вақтини ўзгартиш учун гуруҳлар рўйхати ойнасидан **Boshlanish vaqti** ва **Tugash vaqti** устунидан вақтларни ўзгартиринг. Шу усулда ихтиёрий гуруҳни имтиҳон вақтини белгилаш мумкин (13-расм).

Nomi O'rnatilgan tizimlar fanidan yakuniy nazorat ishi	Nazorat turi Yakuniy nazorat	Faol Ha
Izoh 10 ta savol har biriga 5 ball beriladi	Boshlanish 2021-10-07 22:00	Tugash 2021-10-15 22:00
O'quv jarayoni Telekom. tex. bakalavr 2020-2021 (kunduzgi)	Vaqt (daqiq) 20	Maks. ball 5
Fanlar O'rnatilgan tizimlar	Urinishlar 2	Savollar soni 10
		Tasodifiy Ha
<input type="button" value="O'chirish"/> <input checked="" type="button" value="O'zgartirish"/>		

Imtihon guruhlari					
Guruh	Fakultet	Til	Boshlanish	Tugash	O'chirish
211-20 TTu	Telekommunikatsiya texnologiyalari	Rus tili	07.10.2021 22:00	15.10.2021 22:00	O'chirish
211-21	Telekommunikatsiya texnologiyalari	O'zbek tili	07.10.2021 22:00	15.10.2021 22:00	O'chirish
411-20	Telekommunikatsiya texnologiyalari	O'zbek tili	07.10.2021 22:00	15.10.2021 22:00	O'chirish
720-20	Telekommunikatsiya texnologiyalari	O'zbek tili	07.10.2021 22:00	15.10.2021 22:00	O'chirish

13-расм. Имтиҳонга қатнашадиган гуруҳларни вақтини соzлаш

Имтиҳон натижасини кўриш

Имтиҳон ташкил этилгандан сўнг талаба кабинетида имтиҳон топшириш тугмасини пайдо бўлади. Талаба белгиланган вақтда имтиҳон топширади. Натижалар эса талаба кабинети ва имтиҳон яратилган ролда кўринади. Натижаларни кўриш учун **O'quv jarayoni / Imtihonlar ro'yxati** менюсини танланг (14-расм).

HEMIS OTM							
Asosiy / Imtihonlar ro'yxati		Telekommunikatsiya texnologiyalari O'zbekcha JAMSHID ELOV Dekan					
<input type="button" value="Imtihon yaratish"/>		2021-2022		Nom bo'yicha qidirish			
Nomi	Guruhlar	Savollar	Boshlanish	Tugash	Vaqt (daqiq)	Yaratilgan	Faol
C++ dasturlash 2021-2022 / C/C++ dasturlash / Yakuniy nazorat / J.B.ELOV	365-MB	4 / 10	22.10.2021 17:20	27.10.2021 17:20	30 daqika	22.10.2021 17:23:48	<input checked="" type="checkbox"/>

14-расм. Имтиҳонлар рўйхати ойнаси

Имтиҳон натижасини олиш учун имтиҳонлар рўйхати ойнасидан фанни танлаш орқали фаннинг имтиҳон маълумотлари ойнасига ўтинг (15-расм).

Asosiy / Imtihonlar ro'yxati / C++ dasturlash

Savollar (4) + Guruh qo'shish Natija (1)

Nomi: C++ dasturlash

Nazorat turi: Yakuniy nazorat

Faol: Ha

Izoh: 10 savol har biriga 5 balidan

Boshlanish: 2021-10-22 17:20

Tugash: 2021-10-27 17:20

Vaqt (daqiq): 30

Maks. ball: 50

O'quv jarayoni: Suniy_intellekt_2021-2022

Urinishlar: 2

Savollar soni: 10

Tasodifiy: Ha

Fanlar: C/C++ dasturlash

O'zgartirish

15-расм. Фаннинг имтиҳон маълумотлари

Имтиҳон натижани кўриш учун имтиҳон маълумотлари ойнасидан **Natija** тугмасини танланг (16-расм).

HEMIS OTM

Telekommunikatsiya texnologiyalari O'zbekcha JAMSHID ELOV Dekan

Asosiy / Imtihonlar ro'yxati / C++ dasturlash / Natijalar

Guruhni tanlang

Yuklab olish

Talaba	Guruh	IP manzil	Urinishlar	To'g'ri	Ball	Foiz	Boshlandi	Vaqt	Tugadi
SODIQOVA ORZIGUL SADULLOYEVA	365-MB	213.230.78.191	1	2	25 ball	50%	22.10.2021 23:15	1 daqiqa	22.10.2021 23:15

16-расм. Талабанинг имтиҳон балини кўриш ойнаси

Талабанинг саволларга берган жавобларини кўриш учун имтиҳон балини кўриш ойнасидан талабани танланг. Натижада талабанинг жавобларини кўриш мумкин (17-расм).

HEMIS OTM

Telekommunikatsiya texnologiyalari O'zbekcha JAMSHID ELOV Dekan

Asosiy / Imtihonlar ro'yxati / C++ dasturlash / Natijalar / SODIQOVA ORZIGUL SADULLOYEVA

Natijalar

Imtihon: C++ dasturlash

Talaba: SODIQOVA ORZIGUL SADULLOYEVA

Guruh: 365-MB

Boshlandi: 22.10.2021 23:26

Tugadi: 22.10.2021 23:27

To'g'ri: 2

Foiz: 50.0

Chop etish

1. IoT joriy etilayotgan sanoatning asosiy yo'nalishlari.

aqlli shaharlar

✗ sanoatni avtomatlashtirish

qishloq xo'jaligi

barcha javob to'g'ri

2. C+ qanday dasturlash tili.

✓ obektga yo'naltirilgan

bazaviy

webga asoslangan

klassik

3. savol 2

javob 4

17-расм. Талабанинг жавобларини кўриш ойнаси.

Имтиҳонни ташкиллаштириш ўқитувчи, деканат ва ўқув бўлими профили томонидан амалга ошириш мумкин. Имтиҳон баллари тўғридан тўғри баҳолаш қайдномасининг **Яқуний назорат** устунига бориб тушади. Шу тариқа яқуний назорат ведомости талабалар имтиҳон топширгандан сўнг автоматик тарзда шаклланади. Имтиҳонни яратишда назорат турини танлаш икки хил кўринишда бўлади. Биринчиси **Яқуний назорат**, иккинчиси **Умумий назорат**. Умумий назоратда баҳолар алоҳида ведомостга бориб тушади.

Имтиҳон параметрларини таҳрирлаш

Имтиҳон параметрларини таҳрирлаш учун **О'quv jarayoni / Imtihonlar ro'uxati** менюсини танланг (1-расм). Имтиҳонлар рўйхатидан таҳрирлаш керак бўлган имтиҳонни танлаш орқали таҳрирлаш ойнасига ўтинг ва таҳрирлашни амалга оширинг, сўнгра **Saqlash** тугмасини танланг (2-расм).

Имтиҳон параметрларини ўчириш

Имтиҳон параметрларини ўчириш учун **О'quv jarayoni / Imtihonlar ro'uxati** менюсини танланг (1-расм). Имтиҳонлар рўйхатидан ўчириш керак бўлган имтиҳонни танлаш орқали таҳрирлаш ойнасига ўтинг ва **О'chirish** тугмасини танланг (2-расм).

Эслатма! Агар тизимда имтиҳонга боғланган маълумотлар шаклланган бўлса у холда тизим имтиҳонни ўчиришга умуман рухсат бермайди.